O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI 181200
INV.№




# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ŌZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 15 декабр, №51 (3589) ●


## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси тўғрисида

### А Х Б О Р О Т





**Тошкентда 14 декабр куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси бошланди.**

**Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.**

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий ва республика оммавий-ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлишди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни сайлади, кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисида ахборот берди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовга сўз берилди. У парламент депутатлари гуруҳи томонидан тайёрланган Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаати матнини ўқиб эшиттирди.

Муҳокамада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В.Сигедин, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси О.Мусурмонова, Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси бошқарувининг раиси З.Мунавваров, Тахтакўпир тумани «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси А.Одилов, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский, парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари И.Ғофуров, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Хоразм вилояти бўлими бошлиғи Г.Ибодуллаева, Тошкент клиник тез ёрдам касалхонасининг бош шифокори Т.Миродилов иштирок этди.

Улар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилиш ҳақидаги таклифни қизғин қўллаб-қувватлашди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди. Давлатимиз раҳбари парламентнинг халқимизга Мурожаатининг моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама очиб берди, мустақил Ўзбекистоннинг янги минг йилликка қадам қўйишидек тарихий ҳодисанинг муҳимлигини, янгиланиш, давлатимизнинг янада тараққий этиши ва фаровонлигига эришиши учун аниқ ва амалий мақсадларни белгилаб олиш зарурлигини қайд этди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Ватанимиз келажаги фақат ўзимизга, фидокорона бунёдкорлик меҳнатимизга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлай олишимизга боғлиқдир.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилишди (матбуотда эълон қилинади).

Молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилишда Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетасининг бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Андижон вилояти «Андижон» нашриёти директори Х.Нуғмонов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти директори М.Худоёров иштирок этишди. Парламент Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини маъқуллади.

Сессиянинг кечки мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадовнинг иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузаси билан бошланди. Учқўрғон тумани ҳокими Б.Охунов, «Муборакнефтгаз» нефтгаз конлари бошқармаси бошлиғи Н.Зайниев, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев, «Комплекс тематик экспедиция» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Т.Бобожонов, Қарши тумани ҳокими С.Хайруллаев ушбу ҳужжат тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Депутатлар қонунни қабул қилишди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатларга иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ўқиб эшиттирди. Лойиҳани муҳокама этишда «Бухороёғ» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг раиси М.Зайниев, Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси З.Мунавваров, Марғилон шаҳри ҳокими А.Акромов, «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, «Ўзкимёсаноатлойиҳа» илмий-текшириш ва лойиҳалаштириш институтининг Чирчиқ филиали директори Х.Назаров иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни қабул қилишди.

Иккинчи ўқишда киритилган янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон судялари ассоциацияси раиси О.Тўхташев депутатлар ҳукмига ҳавола этди. Ушбу масала юзасидан ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф.Омонов, Янгибозор тумани ҳокими Э.Юсупов, Сурхондарё вилоят офталмология шифохонаси бош врачи Р.Муҳаммадиев сўзга чиқди. Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини қабул қилди.

Депутатлар янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан Жиноят-процессуал, Хўжалик-процессуал ва Фуқаролик-процессуал кодексларига, шунингдек, судяларнинг малака ҳайъатлари, судяларнинг малакавий тоифалари, суд ходимларининг мансаб тоифалари, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Фарғона шаҳри ҳокими А.Мўминов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Оқдарё тумани Мирзо Улуғбек номли 2-ўрта мактаб директори Ж.Исроилов, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталарининг бош муҳаррири Н.Саидовнинг сўзга чиқишларидан кейин парламент янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Иккинчи ўқишда кўрилаётган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов маъруза қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири Х.Дўстмуҳамедов, «Новатор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгашининг раиси А.Матвеев, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси аъзоси Н.Қамбаров, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби - «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев сўзга чиқди. Олий Мажлис қонунни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси ўз ишини давом эттиради.

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ,**
**М. АМИН (ЎзА)**
**суратга олган.**

---

**Нуриддин ЗАЙНИЕВ,**
**Олий Мажлис депутати**

## XXI АСР ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧАДИ

*Сессия залидан*

— Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда рўй берган туб ислоҳотларнинг самараси кўзга ташланиб қолмоқда. Марҳамат, қишлоқ хўжалиги дейсизми ишлаб чиқариш дейсизми ёхуд маърифий йўналишга эътибор қаратасизми, хуллас, ижобий бир ҳодисани, ўсишни англайсиз. Бундай бўлгач, кўнглингизда хотиржамлик туясиз.

XX асрнинг сўнгги ўн йили Ўзбекистон учун тарихий синов даври бўлди. Охирги ўн йилликнинг дастлабки йили халқимиз, миллатимиз озод бўлди. Президентимиз раҳнамолигида ўзининг мустақил давлатчилигини бунёд этди. Гарчанд бу озодлик осонликча қўлга киритилмаган бўлса-да, уни асраб қолиш, ҳимоя қилиш ҳар қайсимиздан мустаҳкам ирода, эътиқод талаб қилди. Инчунун, халқимиз кўнглидаги хотиржамликни, келажакка ишончни мустаҳкамлаш, Президентимиз олиб бораётган халқчил сиёсатни англаган ҳар бир ватандошимизга масъулиятли вазифа юклади. Собитқадамлик ва келажакка ишонч мустақил юртимиз шаҳар ва қишлоқлари жамолида ўз аксини топиб турибди. Йиллар ўтган сайин иқтисодиётимиз тикланиб бораётир. Ўз йўлимиз ва борар манзилимизни тўғри белгиладик. Дунё кўз ўнгида ўзбек, Ўзбекистон деган ном баралла жаранглмоқда. Хуллас калом, ўзимизни тиклаб олдик. Ўнгланиш чоғлари имтиҳонларидан муваффақиятли ўтдик. Қисқаси бу жараёнларни зиёлилардан тортиб деҳқон ва чўпон-чўлиққача ўз бошидан кечирди, ҳис қилди, англаб етди.

Мана энди XXI аср билан юзма-юз келиб турибмиз. Янги аср она-Ватанимиз учун мисли кўрилмаган даражада имкониятлар яратишига ишонаман. Янги аср эзгулик, тинчлик ва тараққиёт эшикларини очади.

Ҳозирги тарихий бир жараёнда, Олий Мажлисимизнинг навбатдаги IV сессияси давом этаётган паллада парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, айтиш жоизки, халқимиз, Ватанимиз эртаси учун муҳим аҳамиятга молик бебаҳо ҳужжатлар сифатида қадрлидир. Бу қонунларнинг қабул қилиниши асносида ҳар бир депутат ўта зийраклик, теран фикр билан ўз муносабатини билдирмоқда. Парламент қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларни такомиллаштириб боришда ҳар бир фракциянинг фаоллиги кўзга чалинмоқда.

Сессияда, Президентимизнинг чиқишларида халқимизнинг моддий имкониятлари ва маънавий қиёфаси янги аср арафасида қандай бўлиши ҳақида сўз борди. Деҳқоннинг, ишчининг, мулкдорнинг ўз фаровонлигини, оиласи фаровонлигини ўйлаб чинакамига жон куйдириб меҳнат қилишга киришиши олдимиздаги барча муаммоларни ҳал этишда зарур омил эканлиги таъкидланди.

Келаётган йилимизнинг «Оналар ва болалар йили» деб аталишида ҳам ўзига хос рамзий маъно, ҳаётбахшлик уфуриб турган мазмун ва моҳият бор. Оналар доимо тинчлик ва осойишталик тарафдори, фарзандларига зиёда умр, бахт-иқбол тиловчилардир. Энг муҳими, оналар — ҳаётнинг асосчиси. Тирикликнинг асл моҳиятини онасиз тасаввурга сиғдириш мумкин эмас. Фарзандлар эса оналар учун бахт-саодат тимсоли. Улар ҳаётнинг давомчиларидир. Бу икки тушунча, ҳаётнинг асоси ва давомчиси ўртасида шундай бир уйғунлик мавжудки, бу уйғунлик нурли ришталар билан чамбарчас боғланган. Янги асримизнинг илк йилини мен эзгуликнинг тантанаси, тинчлик ва хотиржамлик сари қўйилган қутлуғ қадам деб тушунаман.

---

## ХОНАНДАЛАР ТАНЛОВИ

**19-22 декабр кунлари Урганч шаҳрида устоз ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов номидаги республика иккинчи хонандалар танлови бўлиб ўтади.**

Шу муносабат билан «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасида кўрик танловни ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда машҳур санъаткоримиз номидаги хонандалар танловини ташкилий жиҳатдан намунали ўтказиш юзасидан кўзда тутилган тадбирлар муҳокама қилинди. Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ўтадиган кўрик танлов доирасида 19 декабр куни Комилжон Отаниёзовнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлади. 20 декабр куни тадбирнинг очилиш маросимидан сўнг танлов иштирокчилари беллашувларининг биринчи босқичи бошланади. Сўнгги кунларда эса мумтоз ашулаларимиз ижрочилари беллашувининг иккинчи ва учинчи босқичлари ўтади ҳамда, иштирокчиларнинг санъат усталари билан учрашувлари ҳам кўзда тутилмоқда.

Танлов ғолибларини мукофотлаш тадбири санъат усталари иштирокидаги катта концерт билан якунланади.

---

## ЭҲТИРОМИМИЗ ЧЕКСИЗ

Ҳурматли таҳририят аъзолари!

Ўзингизга маълумки, шу йилнинг 7 декабрида байрам-олди ва муборак рамазон кунларида Оқ Сарой қароргоҳида Президентимиз ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган бир неча марҳум адиб ва санъаткорлар ҳамда заҳмат чекиб, тер тўкаётган меҳнаткашлар, фан ва маданият арбоблари, шоир ва ёзувчилар, етук санъаткорларимизга давлатимизнинг юксак унвон-у орден ва медалларини тантанали бир вазиятда топширди.

«Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганлар қаторида менинг марҳум отам — ўзбек халқ мусиқасининг улкан хазинабони, беназир ҳофиз ва бастакорлар бузруквори, Ўзбекистон халқ артисти, мавлоно Юнус Ражабий ҳам бўлганлари учун фарзанди сифатида мен ҳам бу ерга таклиф этилгандим. Барча қатори Президентимизнинг қалб сўзларини зўр ҳаяжон билан тингладим.

Мен ўша кунги тантанали йиғинда мавриди келмагани учун 96 ёшга борган, 12 нафар фарзандни вояга етказган волидаи муҳтарамамизнинг бир ўтинчларини адо этолмагандим. Онаизоримиз мени Оқ Саройга кузата туриб, қўлларини фотиҳага очганча шундай дуо қилгандилар:

«Президентимизнинг олтин бошлари омон бўлсин, ўтган улуғларимизнинг руҳи поклари, мададкор бўлсин... Илоё Парвардигор юртимизни, халқимизни ва содиқ ўғлонларини Ўзи асрасин, тўғри йўлдан тойганларга ҳам Ўзи тавфиқ ва инсоф берсин, эл-юрт ғамида сидқидилдан қилинаётган жамики хайрли ва савоб ишларимизга ўзи мадад ва ривож берсин. Омин!..» Ва волидамиз: «Шу алқаганларимизни Президентимизга етказгин-а, ўғлим», деб ўтингандилар кўзларига ёш олиб.

Айни шу тобда меҳригиё онамиз ва ражабийлар сулоласи номидан беқиёс миннатдорчилигимизни ушбу ҳафтаномамиз орқали етказиш насиб этганидан бахтиёрмиз.

**Ҳасан РАЖАБИЙ,**
**Ўзбекистон халқ ҳофизи,**
**фахрий доктор,**
**«Дўстлик» ордени нишондори**

---

*Бугун Тошкентда Қорақалпоғистон маданияти кунлари бошланди*

**Иброим ЮСУПОВ**

## МЕН ТОШКЕНТНИ СОҒИНАМАН КЎРМАСАМ

*Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам,*
*Булбулларин тинглаб боққа кирмасам,*
*Чинорларнинг соясида чой ичиб,*
*Дўстлар билан суҳбатлашиб юрмасам,*
*Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам.*

*Мен сизни Нукусдан қўмсаб келмасам,*
*Сизга тангри саломини бермасам,*
*Эркин ҳаёт қурган халқимни ўйлаб,*
*Мустақиллик майдонида юрмасам*
*Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам.*



## ДИЛЛАР ДИЛГА ТУТАШДИ

Маданият ва санъат азал-азалдан элни элга, дилни дилга туташтирувчи, одамларни эзгуликка, инсонийликка, дўст-биродарликка чорловчи буюк куч сифатида эътироф этиб келинган. Бинобарин, бугун пойтахтимизда бошланган Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунларининг ўтказилиши ҳам икки халқ ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Маданият кунлари иштирокчилари эрталаб Тошкентдаги Алишер Навоий ва Бердақ ҳайкаллари пойига гуллар қўйдилар. Кечқурун эса Алишер Навоий номидаги академик катта театрда тадбирнинг тантанали очилиш маросими бўлади.

Бугун бошланган дўстлик байрами пойтахтимизнинг турли гўшаларида давом этади. Маданият кунларида иштирок этиш учун келган таниқли қорақалпоқ ёзувчи, шоирлари, санъаткорлари, мусаввирлари, мусиқа намояндалари турли санъат кошоналари ва концерт залларида ўз санъатларини намойиш этиш билан бирга, ижодий учрашувлар ўтказадилар. Пойтахтлик санъат ихлосмандлари «Айқулаш», «Аму тўлқинлари» ансамбллари, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон симфоник оркестри, Давлат филармонияси санъаткорлари ижросидан баҳраманд бўладилар. Қорақалпоғистоннинг Бердақ номидаги давлат театри, С. Хўжаниёзов номидаги ёш томошабинлар театри, шунингдек, қўғирчоқ театри намояндалари пойтахтимиз саҳналарида ўзларининг энг яхши асарларини намойиш этадилар.

## ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

***Бугун мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари ўз ишини бошлади. Қуйида сиз мухбиримизнинг Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Пўлат АЙТМУРАТОВдан олган интервюси билан танишасиз.***

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунларини ўтказиш ҳақидаги қарорини нафақат маданиятимиз ходимлари, балки бутун қорақалпоқ халқи улкан хурсандчилик билан қабул қилди. Мамлакатимиз халқлари ўртасида дўстлик, аҳилликни кучайтириш юртбошимиз Ислом Каримов олиб бораётган одил сиёсатнинг таянч устунларидан ҳисобланади. Бинобарин, халқларимиз ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантиришда маданият, адабиёт ва санъат аҳли ҳамиша олдинги сафларда туриб, енг шимариб, меҳнатда ва ижодда ҳамдам-ҳамқадам бўлишлари бағоят хайрли иш.

Дарҳақиқат мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалар қатори маданият жабҳасида ҳам туб бурилишлар содир бўлди. Қорақалпоқ санъаткорларининг овозлари дунёнинг узоқ-узоқ мамлакатлари саҳналарида янграй бошлади. Машҳур бахшиларимиз Турғунбой Қурбонов, Жумабой Бозоров, Ўмирбой Қосимбетовларнинг Франция, Германия, Голландия ва бошқа бир қанча хорижий давлатларга ижодий сафарлари ана шу фикримизнинг ёрқин далилидир. Шу ўринда «Аму тўлқини» ансамблининг Германияда ўтган муваффақиятли сафари, бахши қизимиз Зиёда Шарипованинг Франциядаги чиқишлари — булар барчаси истиқлол шарофати билангина қорақалпоқ санъатининг жаҳон узра қилаётган парвозини кўрсатади.

Қорақалпоғистон давлат музейининг шуҳрати мустақиллик йилларида анча кенг ёйилди. Музейнинг АҚШда ўтказилган кўргазмаси америкаликларда жуда яхши таассурот қолдирди. Айни кунларда ана шундай кўргазма Италияда намойиш қилинаётир. Булар истиқлолдан кейин қорақалпоқ маданиятининг эришаётган ютуқларидан айрим мисоллар, холос. Санъаткорлар, ижодкорлар ўз фаолиятлари давомида доимий равишда мамлакатимиз ҳукумати, муҳтарам юртбошимизнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганликларини ҳис этишиб, илҳом билан ижод қилишаётир. Хусусан, атоқли оқинимиз Жумабой Бозоровга Ўзбекистон халқ бахшиси, «Айқулаш» ансамбли хонандаси Мирзагул Сапаевага Ўзбекистон халқ артисти, ёш истеъдодли актёр Бозорбой Узоқбергановга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари берилгани ва бошқа бир қанча қорақалпоғистонлик маданият, санъат ва адабиёт фидойилари Ватаннинг юксак мукофотларига лойиқ деб топилгани уларни янгидан-янги ижодий зафарлар сари илҳомлантирмоқда.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳри қорақалпоқ халқининг маданияти, санъати, халқ хўжалиги учун кўплаб кадрлар етиштириб берган қутлуғ маскандир. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ шоирлари, санъаткорлари ижодида пойтахтимиз мавзуи энг мўътабар, энг суюкли мавзу саналади. Бинобарин, қорақалпоқ маданияти намоёндалари Тошкент заминига ширин бир энтикиш, соғинч билан ташриф буюрдилар. Улар ўзлари билан бирга қорақалпоқ халқининг қайноқ қардошлик саломини, ҳурмат-эҳтиромини, маданият ва санъатда эришган энг ардоқли асарларини олиб келдилар. Ишончимиз комилки, ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари, санъаткорларининг устоз-шогирдлик муносабатлари, Ватанимизнинг буюк келажаги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган халқларимизнинг борди-келдилари йилдан-йилга ривож топиб бораверади. Бу жипслигимиз, бу ҳамнафаслик тобора мустаҳкамланиб, янгича мазмун касб этаётгани бугун Тошкентда бошланган шодиёналарда ўзининг ёрқин аксини топаётир. Тошкентда бошланган Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг дўстлик байрамига айланмоқда.

